

YOSHILAR OVOZI

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тадбиркорларни, бу ҳаракатга ўз хиссасини қўшаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди.

Ҳар бир ишни бамаслаҳат, етти ўлчаб, имкониятларни чамалаб, пухта режа асосида бошлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий фазилатлардан бири. Олис ўтмишга назар ташласак, эл-юрт шу фазилат боис, ўта мураккаб шароитларда ҳам муаммоларнинг тўғри, адолатли ечимини топа олган, кийинчиликларни омиликорлик билан енгиб ўтган. Дунёга машҳур Буюк ипак йўли, чўл-биёбонларда қурилган қарвонсарой ва сардобаларнинг ўзидек бу кўҳна замида одамлар азал-азалдан тадбиркор бўлганининг далолатидир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Оврупо қироллари билан ёшишларига кўз ташласак, қадим Мовароуннахрда тадбиркор, ишбилармон кишиларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилгани, Ўзро савдо алоқаларини йўлга қўйиб, юртни обод қилувчи тужжорлар учун шароитлар яратилгани ва ҳеч ким бундай кишиларга зулм ўтказмагани, мол-мулкига кўз тикмагани маълум бўлади.

“Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, — дейилади Соҳибқироннинг Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган номаларидан бирида. — Бизга муборак мактубларини ҳаминша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу борада хотиримизни жам қилгай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборларини бажо келтирсак, ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмас, (мол-мулкига) зиён-захмат етказмас. Чунки дунё тожирлар билан ободир...”

Бундан англашадикки, тадбиркорлар турли замонларда ҳам мамлакатлар, миллату элатлар ўртасида яхши қўшнчилик, фойдали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганлар. Қасрдаки тадбиркорлик, ишбилармонлик ривож топса, соҳа фидойиларига рағбат берилса, бу ҳолат нафақат ўша ерга, унга туташ жойларга ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ҳар бир тадбиркор ўз ортидан уквули, лаёқатли ёшларни ергаштирган, демаски, уларнинг бирор фойдали иш билан банд бўлишига кўмаклашган. Фақат шу эмас, олис юртларни бир-бирига боғлайдиган савдо қарвонларида қиройли матолар, тақинчоқлар, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари билан бирга, ноёб китоблар, илмий мажмуалар ҳам бўлган. Тужжорлар маданият, илм-фан, адабиёт элчилари ҳам бўлган. Улар уйларига қайтгач, ўзга юртларда кўрган-кечирганларини, ибратга молик янгиларини, эзгу урф-одатларини сўзлаб берган, бу билан ёшлар тарбиясига муҳим хисса қўшган.

Тадбиркорликни кимдир машаққатли касб, кимдир тўғма истеъдод, яна кимдир авлоддан-авлодга ўтадиган илоҳий иноят, деб тушунади. Бу қарашларга эътироз билдириш қийин. Чунки ҳақиқий тадбиркор бу ишни касб даражасига етказиш учун бор истеъдодини ишта солади, ўзигача бўлган тадбиркорлар тажрибаларига қизикади, йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилади, изланади. Гоҳ янгиликларни, ҳисоби чикмай қолади, аммо шунда ҳам ниятидан қайтмайди. Аксинча, танланган касбини фарзандларига, набираларига ўргатиб, уларни ёнига олади. Шу тариха юртда савдогарлар, дурдгорлар, ўймакор ёки заргарлар каби сулоалар пайдо бўлади. Фақат бир муҳим жиҳат борки, “Бундан бошлаб тадбиркорлик билан

шуғулланаман”, деб иш бошлаган кишиларнинг ҳаммасига ҳам омад кулиб бокмайди.

Тадбиркор, аввало, бозорни, ишчи кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини ўрганиши, қасрда қандай маҳсулот (хомашё) мавжудлигини, уларнинг сифати ва захирасини, одамларнинг талаби ва харид қувватини билиши, шу асосда ишга киришиши айтилади. Иккинчидан, чинакам тадбиркор, биринчи навбатда, эл-юртга хизмат қилиш, бозорни тўлдириш учун ҳам бу хайрли ишга беғ бўлади. Нима қилиб бўлса-да, фойда кўриши, даромадини ошириши ўйлайдиганлар, аслида, бу соҳага тасодифан кириб қолган кишилардир. Тарихий манбаларда ёзилишича, фойда ортидан қувиб, бозорга сохта, сифатсиз маҳсулот олиб чиққан, ҳисоб-китобда фирромлик қилган, харидор ҳақида хиёнат қилган “тадбиркор”ларга жазо чоралари қўлланилган. Уларнинг усти ялтйроқ, ичи қалтироқ буюмлари бозор дарвозаларига ҳамма кўриши учун осиб қўйилган.

Шу маънода, чинакам тадбиркорларни миллатпарвар, фидойи инсонлар дейиш мумкин. Қадимда тижорат билан шуғулланувчи кишиларга айнан шундай муносабатда бўлганлар. Чунки улар савдо-сотик боис, элларни элларга, мамлакатларни мамлакатларга боғлаганлар, ўзга юртларда кўрган яхши амаллари, хайрли-савобли ишлар тўғрисида сўзлаб берганлар, “фалон юртда мана бундоқ урф-одат, удум бор экан, бирор муаммага дуч келишса, уни қўллашиб ҳал қилар экан”, дея эзгуликларни тарғиб-таъшиқ қилган. Бундан-да муҳими, тадбиркорлар ўзга юртларга борганда ўз юртлари, ватандошлари тўғрисида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилган, беодоб хатти-харакатлардан тийилган, харидорларнинг ишонч-эътиборини қозонган, таъбир жоиз бўлса, ҳалоллик, поклик, диёнатлик элчилари бўлган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандга келган тужжорлар бу юртда раиятни бошқаришда адолат тамойилларига қатъий амал қилинишини ўз қўзлари билан кўрганлар ва бу тўғрида ватандошларини хабардор қилиб туришган.

Собик тузум ишбилармон, ташаббускор, ғайрат-шижоатли кишилар йўлини тўсди, қўл-оғини боғлади. Тадбиркорлик қонун йўли билан тақиклаб қўйилди. Талабалик йилларим “Чорсу” бозори атрофидаги хонадонларда яшайдиган қосиб, мисгар, тикувчи ва дурдгорларга қандай таъйик ўтказилганини ўз кўзим билан кўрганман. Мустабид салтанатнинг инкирозга юз тутиши сабаблари эндиликда ҳаммага аён, аммо шу биргина тақикнинг ўзи ҳам таназзул учун етарли эди. Тадбиркорлик ривожланмаган, одамларнинг ташаббуслари, ғайрат-шижоатлари қўллаб-қувватланмаган жойда тараккиёт бўлмайди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, битта тадбиркор ўнта оилани боқали, қанча кишини иш билан боғлиқ қилиб, бандлик билан боғлиқ муаммолар ҳал этилишига хисса қўшади. Йирк хусусий қорхона ёки заводда неча юзлаб ёшлар меҳнат қилар экан, бу — бекорчиликнинг, демаски, кўлдан-кўп майда жиноятларнинг олдини олиш дегани ҳамдир.

Кейинги икки йил ичида тадбиркор ва ишбилармонларга муносабат янада ўзгарди. Юрт келажаги, миллат равнаки, янгидан қад ростлаётган эркин жамият пойдеворининг нечоғлиқ мустаҳкамлиги жамиятда юзага келган янги ижтимоий қатлам — мулкдорларнинг самарали фаолияти билан боғланди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича тегишли қонунчилик юзага келди.

Медиа марафонни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари

(Давоми 2-саҳифада)

“YOSH KITOVXON – 2018”

БАРАКАЛЛА, МАҲЛИЁ!



Китоб инсоннинг маънавий олами бойитадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган буюк устоз. У билан дўст тутинган ҳар киши доимо эзгуликни кўзлайди, муваффақият сари

чоғланади. Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган “Ёш китовхон” танловининг эркин исботидир.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ташаббусига кўра,

Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Миллий

телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг минг-минглаб ёшларнинг китобга қизиқишини орттирган бўлса, ажаб эмас. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди.

Ўтган йили лойиҳада 250 минг нафар йигит-қиз қатнашган бўлса, жорий йилги иштирокчилар сони 720 минг нафарни ташкил этди. Бу ўз-ўзидан қувонарли ҳол.

“Ёш китовхон” танлови учта: 10–14, 15–19 ва 20–30 ёш тоифалари бўйича эълон қилинган. 42 нафар тендошимиз қуйи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқиний босқич беллашувлари дастлаб 10-14 ёшлилар ўртасида ташкил этилди.

Иштирокчилар “Ўзбек адабиёти билимдони”, “Жаҳон адабиёти билимдони”, “Буюк мутафаккир ва адиб” ҳамда “Шеърят” шартлари бўйича билимини синондан ўтказди. Ўқувчи-ёшларнинг савиясини адабиётшунослар, шoir ва ёзувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати 100 баллик мезонда баҳолаб борди. Танловнинг ҳолис ва ҳаққоний ўтишини таъминлаш мақсадида малакали экспертлар гуруҳи ҳам шакллантирилди.

Барча топшириқларни аъло даражада бажарган самарқандлик Маҳлиё ўроқова “Ёш китовхон” республика танловининг ғолибига айланди. Унга Президент совғаси — “Spark” автомобили топширилди. Тошкент шаҳридан Салоҳиддин Қашқоров 2-ўрин, фарғоналик Дилрабо Ўткирова эса, 3-ўринни эгаллади.


Ҳасан УСМОНОВ

ESHITDINGIZMI?

Моҳиятни англатади

Юртимизда “Исло тафаккури” номи диний-маърифий, илмий-оммабоп журналининг ишона сони нашрдан чиқди.

Унинг тақдирот маросимига бағишланган тадбир Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлиб ўтди. Янги журнал Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита,



Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Халқаро ислом академияси томонидан таъсис этилди. Ижодий жамоа ўқувчиларга муқаддас ислом динининг асл моҳиятини англашти, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашни, диёримизда етишиб чиққан улуг уламоларнинг тадқиқотлари билан мунтазам таништириб боришни мақсад қилган. “Исло тафаккури” йилда тўрт маротаба ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида чоп этилади.

Мухбиримиз

AKS-SADO

ФЕРМЕР-тадбиркор, ДИПЛОМАТ

Қуни кеча қишлоқ хўжалиги ҳодимлари қунини катта байрам қилиб нишонладик. Туманимиздаги барча фермерлар биргаликда дошқозоқонда ош дамлаб, халққа улашдик. Ёши улуглардан дуо олиб, Яратгандан кейинги йилда ҳам юртимизда тинчлик-омонлик ҳукм суришини, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилишдан толдирилмасликни сўрадик.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалиги тармоғини кенгайтириш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Сабаби дастурхонимиз тўқинлиги айнан шу жараён билан бевосита боғлиқ.

Юқсак эътибор самараси ўлароқ, одамларнинг ерга муносабати ўзгарди. Елқасида кетмон кўтариб, эрталабдан кечгача далада қора терга ботиб ишлайдиган аввалги дехқон ҳозир ернинг ҳақиқий эгасига айланиб, фермер сифатида жамиятда обрў-эътибор қозонмоқда. Ўз навбатида, фермерлардан замон билан ҳаммакам юриш, унинг талабларига ҳозиржавоб бўлиш, соҳага инновацияларни кенг тартиб этишини талаб қилмоқда.

Фермер нафақат дехқончилик сирларини пухта билиши, балки бир вақтнинг ўзида селекционер, иш бошқарувчи, иқтисодчи, ҳисобчи, тадбиркор ва хатто, дипломат бўлмоғи лозим. Мана шундай билим ва илгор тажрибаларни эгаллаш мақсадида Ёшлар

иттифоқи қошидаги Республика ёш фермерлар кенгаши тавсияси асосида Японияда бўлиб қайтдим. Қунгачар мамлакатда ўрғанганларимни келгуси фаолиятимда албатта қўллаш ниятидаман.

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар одамлар онгу шуурида туб бурилиш асаётгани баъйни ҳақиқат. Айтайлик, олдин фермер топганини машина олиб, уй қуришга сафланган бўлса, энди хўжалиги қошида қайта ишлаш қорхонасини ташкил қилиб, янги иш ўринларини яратяпти. Ўзим ҳам “Yoshlar — kelajagimiz!” Давлат дастури доирасида 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, нон цехини очдим ва бир неча нафар ишсиз ёшларни иш билан таъминладим. Келаси йили қишлоғимизда замонавий тиббий диагностика марказини қуриб, ишга туширишни режалаштирганман.

Президентимиз ташаббуси асосида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қишлоқ аҳолиси даромадларини оширибгина қолмай, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бу эса, халқ фаровонлиги таъминланаётганидан дарак беради.

Алпомуш НОРАЛИЕВ,
Жарқўрғон туманидаги
“Soqchi Don Export”
фермер хўжалиги
раҳбари



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро коррупцияга қарши курашиш қуни муносабати билан медиа марафон ўтказмоқда.

Лойиҳа бир hafta давом этади. Унга кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида старт берилди. Тадбир доирасида “Ёшлар коррупцияга қарши!” шiori остида республика кўрик-танловига тақдим этилган ижодий ишлар намойиш қилинди.

Медиа марафонни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари

ри Эркин Йўлдошев очиб берди. Европа давфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Юрген Беккер ҳам сўзга чиқди.

Шундан сўнг “Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсатини фаоллаштиришда халқаро ҳамкорлик” мавзусида медиа брифинг ташкил қилинди. Мулоқотда бир қанча мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этди. Брифинг қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтиб, савол-жавоблар сессияси билан якунланди.

Эркин АБДУСАТТОРОВ

IMKONIYAT

ОЛТИ ОЙ КИФОЯ



Шавкат КАРОМОВ

Жорий йили Шахрисабз шаҳрида Корея Республикаси ҳукуматининг 8,5 миллион АҚШ долларининг гранти асосида Ёшларни касб-хунарга ўқитиш маркази иш бошлаганида. Ҳозир бу ерда 240 нафар вақтинча ишсиз йигит-қизлар бешта йўналиш бўйича янги касб ўрганмоқда

ёки қайта тайёрланмоқда. Уларга олти ой мобайнида стипендия ҳам тўлаб борилади.

Марказда ўқув хоналари ҳамда лабораториялар, узокдан келувчилар учун замонавий тураржой, кутубхона, ошхона, спорт майдончаси мавжуд. Ёшлар металлга ишлов бериш, электроника, энергетика, компьютер, тикув ва ип йигирув

технологияларини чуқур ўрганмоқда. Шунингдек, инглиз ва рус тиллари, тадбиркорлик бўйича ҳам бепул дарслар ташкил қилинган.

Эътиборли жиҳати шундаки, марказ битирувчилари эгаллаган мутахассислиги бўйича етакчи ишлаб чиқариш корхоналари ва нуфузли ташкилотларда ишлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Тадбиркор маънавияти

(Бошланиш 1-саҳифада)

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ўз умридан рози бўлиб яшагача, мулкка эгалик қилишга, ҳалол меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишга, фарзандларининг камоллини кўришга ҳақли эканлиги расман эътироф этилди. Улар фаолиятига асосан аралашиб ҳолатларига чек қўйилди. Натيجанда одамларнинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган янги ислохотларга ишончи ортди, фикри, дунёқарashi ўзгарди, кўнглида жамият тараккиёти учун масъулият ҳисси пайдо бўлди, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги кўзга ташлана бошлади. Бугун Ўзбекистон замонавий ривожланган демократик давлатлар сафидан мустақам жой олиш учун иқтисодий-ишловчи модернизация қилиш йўлидан бораётган экан, бунда мамлакат бўйлаб тобора кенг қулоч ёзаётган "Ҳар бир оила – тадбиркор" ҳаракатининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Кейинги икки йил ичида халқимиз

нинг турмуш тарзи, дунёқарashi ва онгу шуурида юз берган ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришлардан кам эмас. Халқ билан мулоқот, уларни тинглаш, муаммоларига қулоқ тутишнинг ўзи Ўзбекистонни дунёга янги мақомда намоён этди, десак, муболага бўлмайди. Қишлоқ жойларда маҳаллий ишлаб чиқариш изчил ривожланаётгани, замонавий инфра-тузилма шаклланаётгани, ёш оилалар, хаста ва ногиронлар уй-жой билан таъминланаётгани дунё давлатчилиги тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Юртбошимизнинг саховатли бу сийсати бутунги кунимизнинг оддий воқеалиги бўлиб қолди. Халқ эртақларида тасвирланган улкан қурилишларни реал ҳаётда кўриб турибмиз. "Оддий деҳқон оиласидан илм-фан, маданият ва санъат, спорт ва бошқа соҳаларда жаҳон чемпионлари, халқаро Олимпиада ғолиблари етиштиб чиқди, маърифатли дунё Ўзбекистондан кўп нарсаларни ўрганайди" деса, бунга ишонини қийин эди.

Шундай қушларни узок кутгандик. Истиқлол бу орзуларимизни рўёбга чиқарди. Ўқиб, ишлаш, яратиб учун барча имконият мавжуд. Юртимиз

тинч, мақсадимиз аниқ. Аммо эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмаслик керак. Дунё чайқалиб турибди. Бир томонда янгиланиш, эврилишлар, иккинчи томонда иқтисодий бўҳронлар, мафкуравий таъсиқлар, бўлиган дунёни қайта бўлиб олиш ҳаракатлари. Янада ташвишланарлиси, ёш авлод онги ва қалбини эгаллаш, миллий туйғунни заифлаштириш, йигит-қизларни ўзга қадриятлар оғушига олиш кураши кун сайин кучаймоқда. Бундай шароитда халқимизга азалдан хос бўлган яна бир тадбиркорлик — оғоҳлик ва зукколик, фикр уйғоқлиги, қузатувчанлик, чуқур мулоҳаза, босиқ-вазминлик, узокни ўйлаб иш тутиш, таълим-тарбияга бефарқ бўлмаслик муҳим аҳамият касб этади. Бойлик, куч-қудрат еча олмаган туғунни маънавият деб атаган инсоний фазилат ечиши мумкин. Кейинги йилларда бунга кўп бор амин бўлдик, шу боис, маънавий тарбия ҳаётимизнинг ўзаги бўлиб қолди. Бу ўзақ молиявий танглик машаққатини бошидан кечираётган дунё мамлакатлари учун ҳам халоскор куч бўлиши аниқ.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ,
ЎЗА

MULOHAZA

Ҳалокатгача бормайлик!

Саодат МАМАСОБИРОВА,
Олтинсой туманидаги
12-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Ишдан қайтаётган озиқ-овқатлар дўконига кирдим. Кечки пайт бўлгани учунми савд о мажмуаси гавжум эди. Расталар орасида уч-тўрт ёшлардаги болакай кўринди. У кўлидаги пулни сотувчига узатиб, сўз айтмоқча қочганиб турарди. Ниҳоят, сотувчи унга эътибор қаратди. Шовкин сабаб боланинг овозини эшитиш қийин. Аммо яхшилаб қулоқ турсангиз, нима дейётганини англаш мумкин эди. Бола сотувчи томон бўйинини чўзиб, уч-тўрт маротаба: "Чупа-чуп беринг", — деди. Сотувчи йигит эса, унга кўлидаги пулига яраша синарета узатди. Болакай хайратдан қотиб қолди. Сўнг яна такрорлади: "Чупа-чуп беринг!"

Ширинликни олган, кўзлари порлаб, дўкондан югуриб чиқиб кетди. Воқеани қузатиб турганларнинг бирови қулди, бошқаси сотувчига танбех берган бўлди. Боланинг ортидан қараб турар эканман, беихтиёр юрагимга изтироб оралиди. Қанча уринсам ҳам унинг маъсум ва беғубор, ҳайрат ва норизолик аломатлари ифодаланган нигоҳлари кўз ўнгимдан кетмасди.

Бу ҳолат сизга ваҳимали туюлмас, эҳтимол. Аммо ҳамма гап биз, катталарда. Болаларнинг покиза қалбини,

тасаввурини безътиборлик, бепарволигимиз билан булғаймиз аслида...

Яна бир муҳим масала. Бугун одамлар фарзандининг кўп тил билиши, замонавий тарзда фикрлаши ва дунёқарashi кенг бўлишини хошлаб, рус мактаблари ёки синфларида ўқитмоқда. Алал-окибатда эса, бола она тилида қийналиб гапирадиган бўлиб қоляпти. Қолаверса, рус тили билан бирга ўзга миллат менталитетини ҳам ўзлаштираётгани бор гап.

Бу билан чет тилларни ўрганмаслик керак, демокчи эмасмиз. Аммо инсон, аввало, ўз тили, дини, миллий қадриятлари ҳақида тўлиқ тушуничага эга бўлгани мақсадга мувофиқ, назаримизда.

Кўча-кўйдаги хато ёзилган сўзларни, ажнабийча номиларни, ёшларимизнинг она тилига бепасанд муносабатини кўриб кўнглингиз гашланади. Нега шу ахволга келиб қолдик-а?! Айтинг-чи, инсоннинг шуури, қалби ва руҳиятига сўздан ортқрок таъсир қиладиган яна нима бор?! У бизга кўзга кўринмайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган буюк тушунчаларни туйишни, севишни ўргатади. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Алломиш душман еридаги кўнғирот элини қайтариш учун Қалмоққа отланар экан, Барчинга қараб шундай дейди:

— Барчин, яхшилаб қулоқ сол,

фарзандимиз дунё юзини кўриб, унга илк бор кўксингни тутганинда, ҳозир айтадиган гапларимни вужду руҳинга тўлғизиб такрорла: "Элининг оти — Кўнғирот" де.

Барчин: "Кўнғирот дейман..."

Алломиш: "Тугилган юртинг Бойсун" де.

Барчин: "Бойсун дейман..."

Алломиш: "Отаннинг оти Алломиш" де.

Барчин: "Алломиш дейман, бийбобомнинг ули, Алломиш дейман!"

Алломиш: "Эсингдан чикарма".

Барчин: "Бийбобомнинг ули! Ичимда..."

Алломиш: "Ичингда?.. Нима бўлди?!"

Барчин: "Болам... боламиз... кимирлагандай бўлди".

Алломиш: "Уч ойлик тумона ҳам кимирлайдими?"

Барчин: "Назаримда, гапларимиз уни кўзгати, бийбобомнинг ули!"

Сўз ҳам, тил ҳам миллатга, ўзини инсон санаганга омонатдир. Фарзандга тилини ўргатиш, элини танитиш ота-боболаримизда адо этган бурч. Тил миллатнинг руҳи экан, нега уни юксалтирмай, нукул жарохатлаймиз?! "Сўздан, она тилидан узоклашган — ўздан узоклашадиган", деб бежиз айтилмайди, ахир. Сиз ўздан узоклашган одамнинг аҳолини тасаввур қила оласизми? Фикримча, бунинг оқибати маънавий ҳалокат, маънавий ўлим..

BUGUNNING GAPI

Болтабой МУХАММАД ҚУРБОН

Ёшлигимдан бадий адабиётга қизиқаман. Мутолаа — сеvimли машғулотим. Ўқувчилик пайтимда ҳам қўлимга пул тушди дегунча китоб сотиб олардим. Кейин талаба бўлдим. Жавоним китоблар билан бойиди. Ўқитувчи бўлиб ишлаганимда ҳам анча китоб йиққанман. Оиламизда ҳамма мутолаа шайдоси эди. Кимга қандай китоб керак бўлса, мендан сўраб олар, ўқиб бўлгач, яна қайтариб берарди.

Бир куни китобни дераза тоқасида қолдириб кетибман. Ўғлимизни уйлантирган йиллар эди. Келин хали янги оиламизнинг пасту баландини билмайди. Шу денг, китобни тоқчадан олибди-ю, тебраниб турган шкафининг тагига қўйибди. Буни кўриб қолган аёлим ҳай-ҳайлаб, китобни олдириб турган маҳал мен келиб қолдим. Воқеадан хабар топгач, тўғриси, хафа бўлдим. Кечкурун ҳамма дастурхон атрофида жамулжам бўлганида бир вақтлар отамдан эшитган воқеани сўзлаб бердим:

"1937 йил, — деб ўз ҳикоясини бошлади ўшанда отам оилавий турмушларининг бирида. — Қўшимиз катта эшон эди. Ҳамманинг хурматини қозонган, нафаси ўткир инсон эди, раҳматли. Суронли йилларда эшон буваннинг онласи бошига ҳам қора қушлар тушди. "Уйидан китоб чиқди", дея қамашди. Шу кеча эшон буваннинг хотини

бехосдан кетмон бир насага урилдию, тери парчасини юлқиб олди. Мен ўша жойни қўлим билан очдим. Не кўз билан кўрайки, бундан роппа-роса ўттиз йил аввал қўмиладан эшон бувадан ёдгор китоблар. Терига ўраб қўганим учун китоблар яхши сақланган эди. Уларни уйга олиб келдим. Тупроқдан тозалалаб, аста варақладим. Ҳар куни кечкурун лампанинг ёруғида китобларни хиҷжалаб ўқий бошладим. Навоий, Машраб, Махтумқулнинг турмаъно ғазаллари, шеърлари вуҷудимга оро киритарди.

Бир куни маҳалладаги бир маъракада китоб ҳақида сўз очдим. Даврада эшон буваннинг кенжа ўғли Салоҳиддин ҳам бор эди. У даласининг китобларига қизиқиб қолганини, шу китоблардан биттасини беришимни, отасидан ёдгорлик, деб саклаб қўйишини айтди. Рози бўлдим. Маъракадан чиқиб Салоҳиддин эшон тўғри

мен Салоҳиддин эшонга ҳаля қилган китоб эди. Ҳа, ҳа, Бобораҳим Машрабнинг ғазаллари. Танидим, чунки мен уни анча йиллар қўлимдан қўймай ўқийвериб, муқоваси ҳам таниш бўлиб кетган эди. Қўлимдан қошиқ тушиб кетгудек бўлиб, шалвираб қолдим. Менинг китобга тикилиб турганимни кўрган Салоҳиддин мулазм бўлиб:

— Боя ўқиб ўтирувдим, болалар билмай лампа тагига қўйибди, — деди.

У болаларини койган бўлди. Кейин менинг кўз олдимда китобни олиб, лампа тагига бошқа наса қўйди. Беихтиёр китобни қўлимга олдим. Китоб Салоҳиддин айтганидек, лампа тагига ҳозиргина қўйилган эмасди. Чунки китобнинг устига томган керосин юки унинг лампа тагига анча вақт "қизмат қилгани"дан далолат бериб турарди.

Салоҳиддин эшоникидан таъбим тиррик бўлиб қайтдим. Тўғри-

КИТОБ МАЪНАВИЯТГА
ТИРГАК БЎЛСИН
(лампа ёки шкафга эмас!)

уйимизга бир даста китоб кўтариб чиқди. Эскичадан сал-пал саводим борлиги учун китобларнинг муқовасига кўз югуртирдим. Машраб, Навоийнинг эски сўзуда битилган китоблари. Эшонбийи "Сизларникида туриб турсин", — деб ташлаб кетди. Мен китобларни олиб, сомонхонага яширдим. Хуллас, эшон бува қамалиб кетди. Ҳеч кимнинг китоб билан иши бўлмади. Аммо мен кўриб қолдим. Китобларни сомонхонадан олиб, қўйинг терисига ўраб, ҳеч ким билмас жойга қўйиб қўйдим.

Орадан анча ўтди. Китобни қўганим эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Эшон бувадан дарак келмади. Хотини эса, дунёдан ўтди. Бир куни томоркада ишлаб турганимда

уйга келиб, Машрабнинг китобини олиб кетди.

Орадан беш-олти ойлар ўтгач, қандайдир бир юмуш билан Салоҳиддин эшоникига бордим. Кечкурун оила ховлида овқатланиб ўтирган экан, "Келинг, келинг" қилиб мени тўрига ўтказишди. Атроф қоронғи. Оила дастурхон ўртасига қўйилган қирқинчи лампанинг ёруғида иштаха билан мошқичири ейишарди.

— Олинг, олинг, овқатга қаранг, ака, — деди Салоҳиддин эшон қўлимга толдан ясалган қошиқни тутказиб.

Мен мошқичиридан бир-икки тортган бўлиб, келишим сабабини айтмай, деб энди оғиз жуфтлаган эдимки, кўзим қирқинчи лампа тагига иштаха насага тушди. Бу ўша —

си, уникига нимага борганим ҳам эсимдан чиқиб бўлган эди. Йўл-йўлакай ҳаёлимни ўша суронли йиллар — катагон даври олди. Эшонбийининг китоб кўтариб бизникига келиши, мен китобларни қўмиб қўйишим воқеалари жонланди. Бу китоблар ҳам анча машаққатли даврни бошидан ўтказиб, эндигина ер юзига чиқиб "қизмат қилмаган" деганида яна разолат қурбонига айланаётган эди...

— Китобдан яхши дўст йўқ, дейишарди. Дўстга эса, ёмон муносабатда бўлимайди, — деб отам айтиб берган ҳикояни яқунладим. Шу-шу келишим китоб жавонидида китоблар чангини артиб, чиройли қилиб тахлаб қўядиган бўлди. Қўларини ўқиб чиқишга ҳам улгурди.

ADABIYOTGA E'TIBOR — MA'NAVİYATGA, KELAJAKKA E'TIBOR

МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАР

Азиз ХУҶА НУР,
Сайхунбод тумани маданият бўлими мутахассиси,
тўғарак раҳбари

Сайхунбод туманида мана уч йилдирки, Мухаммад Юсуф номидаги "Шеърят шайдолари" ёш ижодкорлар тўғараги самарали фаолият юритиб келмоқда. Тўғарак Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфида тузилган. Унда 63 нафар йигит-қиз адабиёт назарияси ва амалиёти йўналишида сабоқ олмоқда.

Ёшларнинг ижодий машқлари устоз шоирларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда баҳоланади. Энг сара намуналар туман, вилоят ва республика матбуот нашрларида мўйтазам эълон қилинади. Қо-

лаверса, Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши ҳомийлигида тўғарак аъзоларининг назмий ва насрий асарларини ўз ичига олган "Тинчлик" ва "Шукрона" номли тўпламлар ҳам нашр этилди.

Янги ғоялари, ладил фикрлари ҳамда ташбехларга бой жўшқин шеърлари билан кўплаб адабиёт илҳомландари қалбига кириб бораётган умидли шоирларимиз қўлаётгани кишини қувонтиради. "Шеърят шайдолари" орасида ҳам ана шундай истезлол соҳиблари бисёр. 22-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Дилноза Мухторова, 30-умумтаълим мактабда таълим олаётган Сарвиноз Саматовани алоҳида тилга олиш мумкин.

Юртбошимиз раҳнамоллигида адабиётга катта эътибор кўрсатиляпти. Бундай эъоз замирида ўзбек адабиётининг муносиб давомчилари бўла оладиган ёш каламкашлар сафи ортиси, шубҳасиз.

TAHLIL VA TALQIN

БИЗ

Наргиза УМАРОВА

Янги йил остонасида турибмиз. Ортда қолган 365 кунлик марра барчамизни беихтиёр ҳаёт маромини сарҳисоб қилмоққа чорлайди. Инсон-ку ўз йўлига, аммо жаҳон сиёсий сахнида турган ҳар қайси мамлакат ҳақида унинг йил мобайнида эришган натижалари, амалга ошмай қолган режалари, йўл қўйган хатою камчиликлари, қўйингки, ўша заминда ҳукм сураётган барқарорлик ёки аксинча, нотинчлик даражасига қараб ҳулоса қилинади.

2019 йилда дунё ўзгариши аниқ. У айнан қандай кўриниш ва сифат касб этишини вақт кўрсатади, албатта. Бироқ ҳозирда биронта ҳам давлат машинаси ўз пешонасига битилганини кутиш ва тақдирга тан берган ҳолда шунчаки кўр-кўрона ҳаракат қилишдан манфаатдор эмас.

Ҳар қайси мамлакат халқаро майдонда ўзини қандай даражада кўришни хошлашига қараб истикболга йўналтирилган стратегик мақсадлар ишлаб чиқади ҳамда уларга эришишнинг усул-воситаларини излайди.

Ўзбекистон ривожланган давлатлар сафига қўшилишга интиломда. Ҳа, бу осон эмас. Ҳа, истак доимо ҳам реал имкониятлар билан мутаносиб келвермайди. Тан олиш керак, биз ҳали кўп соҳаларни тараққиёт ўзанига сола олганимизча йўқ. Аммо бундан буёғига “Бир гап бўлар”, деган жайдари фалсафа билан яшашга ҳақли эмасмиз. Чунки бундай мавҳумлик жамият ҳаётини ўзгартира олмайди. Буни замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

**КУРРАИ ЗАМИНДА
ТОБОРА ШИДДАТКОР
ТУС ОЛАЁТГАН ГЕО-**

ЎЗГАРИШИМИЗ КЕРАК!

СИЁСИЙ БЎХРОНЛАРДАН ОМОН ҚОЛИШ, ҲАРБИЙ ЁКИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ МАМЛАКАТЛАРГА ТОБЕ БЎЛИБ ҚОЛМАСЛИК УЧУН ЮРТИМИЗ ҲОЗИРДАНОҚ ЎЗИГА КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИНИ ЯРАТИБ ОЛМОҒИ ДАРКОР. АЙНИ ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИДА ЎЗБЕКИСТОН “ИНСОН КАПИТАЛИ”ГА ТАЯНИШНИ ЛОЗИМ ТОПДИ.

33 миллиондан зиёд аҳолимиз бор. Марказий Осиё минтақаси бўйича бу энг юқори кўрсаткич. Аммо “инсон капитали” мамлакатда истикомат қилаётган фуқаролар сони билан белгиланмайди. Тараққиёт фақат илму заковат, етук мутахассис кадрлар ҳисобига рўй беради.

Тўғри, ўтган даврда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга ҳаракат қилдик. Бу борадаги салмоқли ютуқлар билан бемалол фахрланишимиз мумкин. Бироқ яширишга ҳожат йўқ, шомша-шошарликка йўл қўйилган пайтлар ҳам бўлди. Алал-окибат, бир қанча хатоларга йўл қўйдик.

Ўзбекистон ривожланган давлатлар сафига қўшилишга интиломда. Ҳа, бу осон эмас. Ҳа, истак доимо ҳам реал имкониятлар билан мутаносиб келвермайди. Тан олиш керак, биз ҳали кўп соҳаларни тараққиёт ўзанига сола олганимизча йўқ. Аммо **БУНДАН БУЁҒИГА “БИР ГАП БЎЛАР”, ДЕГАН ЖАЙДАРИ ФАЛСАФА АСОСИДА ЯШАШГА ҲАҚЛИ ЭМАСМИЗ.** Сабаби бундай мавҳумлик жамият оёғини чалишдан ўзгасига ярамаслигини замонамиз кўрсатиб турибди.

МАКТАБ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДАГИ КОРРУПЦИЯ, САМАРАДОРЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗИНИ ОҚЛАМАГАН УЧ ЙИЛЛИК ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИ, РЕСПУБЛИКАДА КЎПГИНА БОЛАЛАР ҲАЛИ-ҲАМОН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚАМРАБ ОЛИНМАГАН ҲАҚИДА ГАПИРИШ ҲАМ, УШБУ АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАРНИ ТАН ОЛИШ ҲАМ ЖУДА ОҒИР. АММО УЛАРГА КЎНИКИБ ҚОЛИШДАН ЁМОНИ ЙЎҚ!

Соҳадаги хато-камчиликларни бартараф этса бўлади. Давлатимиз айни масала ечимига жиддий киришган. Охириги бир неча йил мобайнида кўпгина амалий ишларга қўл урилди. Бутун бошли вазирликларнинг таркиби ва иш услублари ўзгартирилди. Ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор барча тузилмалар фаолиятга инновациялар жорий қилинмоқда. Шунга ўхшаш чора-тадбирлар ижобий натижа беришига ишонамиз. Аммо мамлакат эртаси, жаҳондаги мавқеи ва шон-шавқати учун жавобгар “инсон капитали”ни шакллантириш билан боғлиқ бошқа жиддийроқ масала ҳам бор.

Гап Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ташкил қилаётган стратегик қатлам — ёшлар, уларнинг билим олишга муносабати ҳақида бормоқда. Минг андиша қилсак-да, лекин очик-ойдингапиришга мажбурмиз—

ЎТГАН ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА УЛУҒ ХОРАЗМИЮ НАВОЙИЛАР ЮРТИДА БИЛИМНИ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИГАН АВЛОД УЛҒАЙДИ.

Эҳтимол, ахборот асрининг “меваси”дир бу. Ўтиш даврида жамиятимиз кадрларни тизимда иктисодий тўқинликни сикиб чиқараётганини-да унутмаслик даркор. Нима бўлганда ҳам, бугун мустақил ҳаётга кадам қўяётган аксарият йигит-қизларимиз онгиди “пул ҳамма нарсани ҳал қилади”, деган тушунча муким ўрнашган. Пул билан болани яхшироқ боғча, мактаб ёки институтга жойлаштириш, сессияни аяло баҳога ёпиш, диплом ишини ёздириб ва ҳатто биров нуфузли ташкилотда “мойли жой”ни эгаллаш мумкинлиги ҳеч кимни ажаблантираётгани йўқ.

Албатта, эртағамиз эгаларининг келажакка умидини сўндириб, орзу-истакларини чилпарчин қилиб юбораётган бундай реалликка имкон қадар тез ва батамом чек қўйиш, яъни коррупцияни тағ-томрири билан қуритиб юбориш шарт. Бундан, биринчи гапда, давлат ютади. Зотан,

КЕЛАЖАКДА ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА МОСЛАШИБ ЯШАЙДИГАН ЭМАС, БАЛКИ ЎЗИ ДУНЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ҚИЛА ОЛАДИГАН МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚЧИ.

Жамиятдаги пессимистик кайфият, ёшлар характеридеги шухрат-парастлик, хайбаракалчилик ва боқимандалик иллатларини бартараф этмай туриб, айни мақсадга эришиб бўлмайди.

“Инсон капитали”, Ўзбекистон ҳолатида эса, илмга ташна, янгиликларга ўч ва таваккал қилишдан сира чўчимайдиган миллионлаб ёшларнинг мамлакат тараққиёти “двигатели”га айланганини таъминлайдиган яна бир муҳим омил бор. Бу — ижтимоий адолат.

МАКТАБДАНОҚ ТУРЕЛИ ТАНЛОВ ВА МУСОБАҚАЛАРДА ТЎРТ-БЕШ СЎМ “КИСТИРИНГАН” ҒОЛИБ БЎЛИШНИНГ КЎРАВЕРИБ, ҲАФСАЛАСИ ПИР БЎЛГАН ВА ҲАЁТДА ҲАМ ШУНДАЙ ГИРРОМ ЯШАШ КЕРАК, ДЕГАН ФИКРДА УЛҒАЙ-ГАН БОЛАДАН КЕЛАЖАКДА НОБЕЛЪ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИЮ ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРИ ЧИҚМАСЛИГИ АНИҚ.

Жамиятда ижтимоий адолат таъминланмас экан, давлат одамлар ишончини қозониши даргомон. Натижада биз яхши кадрлардан айрилади: олимларимиз ўзга юртларда оламшумул кашфиётлар қилиб, дунёга танилади, Ўзбекистонда таълим олган малакали шифокорлар бошқа юртлар фуқароларини даволайди, қобилиятли дастурчиларимиз хоржий компания ва корпорациялар маънавиятига хизмат кўрсатади, тадбиркорларимиз эса, бизнесини хорийда очиб ва юритишдан манфаатдор бўлади...

... Янги йил остонасида турибмиз. 2019 йилда биз ўзгартишимиз керак! Ўзбекистонни дунёдаги қудратли ва рақобатбардор мамлакатга айлантириш учун ўзгартишимиз, албатта!

DOLZARB MAVZU

Қанча қалов керак ўзи?!

Муқаддас МУСАЕВА

— Қўшнижон, яхшимсиз, айланай? Кўришмаганимизга ҳам бир ҳафта бўлибди. Маҳаллада анча янгилик бор, сиз беҳабар. Асосийсини айтсам, кенжам Нодиржонни ўқишга жойладик, бюджетта!

— Вой, қанақасига? Имтиҳон кеча топширилди, шекилли?!

— Мана шунақасига-да! Эртага кўрасиз, болам папқасини кўтариб институтга борди. Ҳа майли, муддаога ўта қолай. Неварамни боғчага бермоқчимиз. Тузукроғига. Сиз ишлаётган боғчини макташди. Рус гуруҳлари ҳам бор экан. Шунга нима дейсиз?

— Ҳа, боғчамиз мактаганларича бор. Казо-казолар узокдан топиб келади бизни. Аммо рус гуруҳларимиз тўлиб бўлган-да. Майли, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейишади. Бизнинг давримизда жойлаб олинг. Душанба куни ўтинг, гапла-

шамиз. Сиздан утина, биздан бугина-да, ўргилай...

Қизик, ҳар бир ишни рисоладагидек битириш учун бизга қанча қалов керак ўзи?! Умуман, бундай ёндашув тўғрими, унинг илдизи қаерда? Таълим тизимига берилган эътибор натижасида тарбиячию педагогларимизнинг маошлари сезиларли даражада оширилди. Бироқ биз ҳалиям “утина-бугина”, деб ишимизни битириб юрибмиз.

Ота-оналар боғча ва мактабларда совун-сочиқдан тортиб, байрам тадбирю таъмир ишларигача пул йингилаётганидан нолийди. Тарбиячинини эшитсангиз, у ҳам ўзича ҳақ. Боғ-

чада болалар билан машғулот ўтиш учун ўқув қуроллари берилмаслиги, ҳаммасини, ҳатто ўйинчоқларни ўзи сотиб олишга мажбурлигини айтади. Касбининг фидойиси бўлиш топган пулингни боғча эҳтиёжлари учун сарфлаш дегани эмас-ку, ахир!

Сўзимиз аввалида келтирилган воқеа мисолида айтиш мумкинки, мансабдор шахслар лавозимини суинистемол қилиши, фуқаролар ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятини етарли даражада билмаслиги таълим соҳасида коррупциянинг кун сайин илдизи отишига сабаб бўлмоқда.

Юртимизда ана шу ижтимоий иллатта қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. 2017 йил 4 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қучга кирди.

Коррупция ҳар қандай давлатни ичидан емиради. Жамият тараққи-

ётига тўсқинлик қилади. Шу бонс кўлаб мамлакатларда бу балога қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Масалан, Сингапур бундай саъй-ҳаракатлар эвазига қисқа вақт ичида Осиёнинг қолоқ мамлакатидан дунёнинг илғор давлатларидан бирига айланди. Ўз вақтида Сингапур ҳукумати коррупцияга қарши курашишга доир махсус дастур ишлаб чиқиб, барча мансабдорларнинг маошини оширган, суд қончилиги мустақиллиги таъминланган, пора олиш ва бериш учун жазони кескинлаштирган эди. Шу билан бирга, коррупциянинг ҳар қандай кўриниши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туришчи мустақил оммавий ахборот воситалари пайдо бўлди.

Хитойда эса, коррупционерларга умрбод қамок ёки ўлим жазоси тайинланади. Маълумотларга қараганда, 2003 йилдан бери бу мамлакатда 10 миң нафарга яқин мансабдор шахс отишга ҳукм қилинган, 120 миң нафар эса, узок муддатга қамалган.

Лекин жазолашга муаммонинг ечими бўла олмайди. Фикримизча, коррупцияга мустаҳкам тўсик қўйишни ҳар қим ўзидан бошлаши керак. Ҳар ишда ҳалоллик ва адолат мезонларига таянсақ, муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

QILMISH — QIDIRMISH

Жамиятдан яширинган ҳужра

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ

Илм аслида мағзли нарса. Унинг ажиб бир пўстлоғи бор. Мағзининг чинакам таъминоти тоғи учун аввал устиди пўстлоқни ажратиб олиш керак. Кейин эса, чинакам тоғли мағзига — маънавият, маърифатга эришилади. Таассуфки, кўплар илмни пўстлоқдан айирмай, ямлаб ютишга интилади. Оқибатда мағз завоқ топади. Илм эгалламоққа уринган тоғли, тўғри йўл қолиб, эгрисидан кетади.

Ҳудди шу каби айрим фуқаролар ҳам уч-тўрт сурали ёд олиб, арабчада ўқий олишларини илм ҳисоблаб, дарров мудarris бўлиб қолмоқда. Файзулло Тиркашев Мингбулоқ туманидаги “Туртепа” жоме масжидида имом ноиб вазифасида ишларди. Аммо кейин маълум бўлишича, у шу ҳудудда ноқонуний фаолият кўрсатган “Таълим йўли” ўқув марказида 12 нафар аёлга

араб тили, тажвид (Қуръонни ўқиб қондаларидан сабоқ ҳам бериб келган.

Наманган шаҳрида яшовчи Жавлон Акрамов ва унинг турмуш ўртоғи Мадина Акрамова эса, биратўла ўзлари яшаб турган хонадонда хусусий ҳужра ташкил этиб, воёта етмаган Малика Қанонова, Мунаввар Норматова, Акрам Абдуллаев, Отабек Ибодуллаев, Сора Эшонова, Муаттар Розикова, Гулҳайё Тоштановага диний сабоқ бериб келаятгани аниқланган.

Албатта, суд ҳуқуқбузарларга тегишли жазо белгиланди. Таассуфки, юқоридаги ҳолатлар орамизда ҳали ҳам Файзулло, Жавлон ва Мадина сингари ўзбилармонлар борлигини кўрсатади. Шундай экан, ҳар биримиз огоҳ бўлмоғимиз зарур. Акс ҳолда, жондай азиз фарзандларимиз турли оқимлар таъсирига учраб, йўлдан адалишни ҳеч гап эмас. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди!

HUNAR — ZAR

Kvillingcha uslub

Siz suratda ko'rib turgan mana bu qiz Surxondaryo viloyati
Yoshlar markazida faoliyat ko'rsatadi.

Sitora Sharipova to'garak rahbari. 40 nafar bolaga amaliy san'at sirlarini beminnat o'rgatib kelmoqda. Munchoqli bezak bo'yicha mashg'ulotlarda faqat qizlarni uchratasiz. Bu tushunarli hol, albatta. Biroq kvilling san'atini o'rganaman deguvchilar orasida o'g'il bolalar ham oz emas.

— Kvilling rangli qog'oz tasmalarini burash yo'li bilan muayyan shaklga keltirib, turfa kompozitsiyalar hosil qilishni anglatadi, — deb tushuntiradi Sitora. — Bunday amaliy san'at turi yurtimizda hozircha ommalashmagan. Lekin qiziquvchilar talaygina. Qunt qilgan odam kvilling texnikasini ikki-uch haftada o'rganib olishi mumkin. Qo'lda bajariladigan mayda ishlari ko'pligi bois, bitta kompozitsiyani yaratishga haftalab vaqt talab qilinadi. Tayyor kartinalar ichki interyer uchun ajoyib bezakdir. Ayniqsa, qizlarimiz ushbu noodatiy hunarni o'rganib olgani ma'qul. Sababi keyin uyda o'tirib ham daromad topishda qiynalmaydi.

Rohatoy QODIROVA

NUQTAYI NAZAR

Umud JUMABOYEV, o'qituvchi

“Uzoqdagi qarindoshdan yaqindagi qo'shni afzal”, “Hovli olma, qo'shni ol”, degan hikmatlar zamirida dono xalqimizning mingyillik donishmandligi, o'ziga xos xulosasi mujassam. Qo'ni-qo'shnichilik an'analari uzoq yillar mobaynida insonlarning turmush tarzida muhim o'rin tutib kelgan. Avvalo, yonidagi kishiga yordam qo'lini cho'zish xalqimizga xos qadriyat. Unda hamjihatlik, ahillik singari fazilatlar mujassam.



Mehr darichasi

“Sho'ra qilsangiz, suvidan ko'proq solib qo'shningizga ham ulashing”, degan mubarak hadisi sharif zamirida ulkan hikmat bor, nazarimda. Ajdodlarimiz pishirgan tansiq yegulikdan albat, qo'shnilariga ham iling. Uydan taom isi chiqdimi, hamsoyasiga ajratib qo'yish odati el orasida ming yillardan buyon yashab kelayotgan ezgu an'ana sanaladi.

— Agar qo'shni safarga ketsa, oilasi, xonadonidan har kuni xabar olib turish zarur, — deydi yetmish yoshli Mahmud bobo Absanov. — Qo'shning ruxsatisiz uning uyidan baland imorat qurilmaydi yoki boshqa yo'sinda unga zarar yetkazilmaydi. Tansiq taom, daraxt, ekin-tikindan unga ushur (zakot) beriladi. Hamsoyani ham moddiy, ham ma'naviy qo'llab-quvvatlash qo'shnichilikning muhim belgisi.

Bir safar ammamning uyiga borганимда g'alati voqea sodir bo'lgani. Ammam mehmonlar uchun osh pishirishga unnagan ham ediki, ko'chada birovning chaqirgani eshitildi.

Tashqaridagi gap-so'zlardan qo'shni uyga sovchi kelganini anglash mumkin edi. Ayni ilik uzdi mahali bo'lgani uchun qo'shni ayolning uyida hech nar-

sa yo'qmidi, u bir oshlik qo'sht so'rardi. Nima bo'lganini bilmayman, ammam birdan xonaga kirib keldi-da, archiyotgan sabzilarni yig'ishtira boshladi. Oradan bir yarim soat vaqt o'tgach, bir lagan osh ko'tarib dahlizga kirib keldi.

— Qo'shning bir shirin osh tayyorlabdiki, mazasi og'zingda qoladi, — dedi laganni dasturxonga qo'yar ekan. — Qo'li dard ko'rmasin. Umrinda bunaqa totli ovqat yemaganman. Bir yesang, og'zingda eriydi-ya!

“Hamsoyangni rozi qilishda hikmat ko'p”, derdi keksalar. Xalqimizda qo'shni andishasi borasida ham ibratga arzigulik jihatlar talaygina. Deylek, qo'shning bolasi har turli yeguliklarni ko'rib xarxasha qilmasligi uchun bolalarning qo'lga biron narsa berib, ko'chaga chiqarilmaydi. Qo'shning hovlisiga bemavrid qaralmaydi, iznsiz kirmaydi.

Zamonlar osha sayqallanib kelayotgan go'zal qadriyat va urf-odatlarimizni har qancha ta'rifiylik arziydi. Lekin, afsuski, bugun ushbu an'analarga biroz beparvo qarayotgan, ularni nazarga ilmayotganlar ham uchrab turibdi.

— Ro'paramizdagi qo'shni ko'chib ketganini oradan ikki oy o'tib bilibman, — deydi bir kishi.

Qo'shning hurmati xuddi onasining hurmati kabi bo'ladi. Agar qo'shni qarz yoki biror narsa so'rsa darrov beriladi. U chaqirib kelsa, shu zahoti javob qilinib, arzigu quloq solinadi. Qo'shni faqir bo'lsa, ehtiyojini qondirib yordamlashiladi. Bordi-yu, kasal bo'lib qolsa, chiqib ko'riladi va qo'ldan kelganicha yordam ko'rsatiladi. Unga musibat yoki balo yetsa, qayg'uriladi, sabr tilab, tasalli-dalda beriladi.

Mojarolar ko'proq qo'ni-qo'shnilarning yosh bolalari o'rtaida sodir bo'ladi. Shunday paytda ota-onalar bolamni himoya qilaman deb aybni bir-biriga ag'daravmasdan, har biri o'z farzandiga tanbeh berib, odobga chaqirsa, ayni savob ish qilgan bo'ladi.

Nuroni otaxonlarimiz yaxshi eslaydi, avvallari hovlilarda, ko'cha darvozidasidan tashqari, qo'shnilarni bog'lovchi darichalar bo'lar edi. Buni oqibat, mehr darichasi desak adashmaymiz. Tandirda yopilgan ikki dona issiq non, bir kosa ovqat bilan qo'shnilar o'sha daricha orqali bir-birini yo'qlab turgan. Qolaversa, daricha vaqti bemahal qo'shni qo'mak berish, uning holidan tez xabar olish imkonini ham berardi. Hozir esa, ayrim qalblarga qulf urilgach, o'sha darichalar ham beton-g'isht ila yopib tashlanayotgandek. Ming afsus...



XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат
Халқ банки жамоаси
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинганига
йигирма олти йил тўлиши
муносабати билан барча
юртдошларимизни
муборакбод этади!

Шу билан бирга, Халқ банки
қулай ва даромадли бўлган

26

муддатли омонатини
таклиф этади!
Омонат фоизлари:
йиллик 17 фоиз— 13 ойга;
йиллик 18 фоиз— 25 ойга.



Омонатга маблағлар нақд ва пластик
карталар орқали қабул қилинади.
Ҳисобланган фоизлар сиз истаган шаклда
ойма-ой тўлаб берилади.
Унутманг, Халқ банкидаги маблағингиз ишончли
сақланиши давлат томонидан кафолатланади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий
филиалларидан олишингиз мумкин.


100096, Toshkent sh., +998 71 200-00-55, www.xb.uz
Qatortol ko'chasi, 46, @xalqbanki, info@xb.uz

“O'ZBEK QOMUSI”

bilimdonlik mashqlari

MUAMMONOMA. Kalit so'zlar:
1. Davlat ramzlaridan biri — 4, 18, 9, 7.
2. “Mustaqil O'zbekistonning Kons-
titutsiyasi” asari muallifi, O'zbekis-

tonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi,
huquqshunos olim va akademik, —
13, 9, 1, 17, 1, 22, 18, 16.
3. Respublikamiz parlamentining



yuqori palatasi — 11, 18, 3, 1, 12.

4. Bosh qomusimizning 25-moddasi-
dan: “Har kim 18, 9, 19, 5, 3, 8, 5, 19
va shaxsiy daxlsizlikka ega”.

5. “Davlat suvereniteti” bobidan:
“O'zbekiston Respublikasining po-
ytaxti — 12, 6, 21, 19, 18, 3, 12 shahri”.

6. Konstitutsiyaning “Oila” bobidan:
“Onalik va 7, 6, 8, 1, 8, 5, 19 davlat
tomonidan muhofaza qilinadi”.

7. Davlat hokimiyati tomonidan qa-
bul qilingan, barcha uchun majburiy
bo'lgan ijtimoiy-huquqiy me'yor va
munosabatlarni belgilovchi rasmiy
qoida — 14, 6, 3, 10, 3.

8. Bosh Qomusimizning XI bobini-
ning nomi: “Fuqarolarning 7, 10, 9,
24 lari”.

9. Biron sohaga taalluqli qonunlar
majmui — 19, 6, 2, 18, 19, 11.

10. Respublikamiz viloyat, shahar
va tumanlaridagi davlat boshqaruvi
organi — 20, 6, 19, 5, 15, 5, 22, 1, 12.

11. Mamlakatimiz Konstitutsiyasi
har birimizda uyg'otadigan cheksiz
fخر hissi — 23, 10, 9, 10, 9.

12. Amaldagi qonunlarasosida ayrim
shaxslarga beriladigan yengillik —
5, 15, 12, 5, 22, 6, 17.

Endi kalit so'zlardagi harflar orqali
shakldagi raqamlarda ifodalangan
muammonmani yeching. Shunda
“O'zbek qomusi” she'ridan to'rt misra
ayon bo'ladi.

TOPSHIRIQ. Shaklning o'rta
qismidagi aylanalardan bosh harfni
topib, ma'lum tartibda o'qish bilan
topshiriqni bajaring. Bunda muam-
monomada yashiringan misralar
muallifi, atoqli o'zbek shoirini bilib
olishga muvaffaq bo'lasiz.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeu,
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
 (“Yoshlar ovozi”), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Dizayner

Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi

Erkin Abdusattorov

“YOSHLAR OVOZI” dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.



Quyidagi o'qib o'tgan
o'qituvchilarga qo'lingizni
qo'yib, ularni qo'lingizga
olishga ruxsat beriladi.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1236
Adasi — 11057
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.00